
Халқаро ҳамкорлик

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Фарғона вилояти савдо саноат палатаси ва Қирғизистон Республикаси савдо саноат палатаси ўртасида имзоланган меморандумга асосан ҳамкорликда семинар ташкилланди. Қирғизистон Республикасидан 20 нафардан ортиқ тадбиркорлар делегацияси USAID ташкилоти билан биргаликда вилоятимизга ташриф буюришди. Семинарда вилоят бўйича 30 нафардан ортиқ тадбиркорлар қатнашдилар. Улар қаторида Ёзёвон туманидаги "Марказий Фарғона Томорқа Хизмати" МЧЖ раҳбари Олимжон Эркаев ҳам қатнашиб, қўшни давлатга балиқ экспорти ва аҳолига чорва, парранда етказиб бериш бўйича меморандум имзоладилар.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-09-20 22:58:41